



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 102-108 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ ВА УЛАРДА БИЗНЕС ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Султонов Бобомурод

Халқаро Нордик университети докторанти

Toshkent, O'zbekiston

Email: Murodsultanov084@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий тармоқларнинг иқтисодий тавсифи Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари тимсолида ва уларда бизнес юритиш ҳамда жамиятнинг иқтисодий қонунлари, зарурий қоидалари, ижтимоий тармоқларда бизнес тушунчасининг иқтисодий атамалари, мазмун-моҳияти, уни ривожлантириш ва башоратлашнинг методик хусусиятлари ҳақида мантиқий фикр юритилган.

Калит сўзлар: Ижтимоий тармоқлар, бизнес тушунчаси, қтисодий назария, бизнесни самарали бошқариш, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, менежмент, маркетинг, янги Ўзбекистон.

Кириш

Иқтисодий фанларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси умумиқтисодий фанлар, яъни иқтисодни яхлит ўрганувчи фанлар бўлса, иккинчиси, хусусий иқтисодий фанлар, яъни иқтисоднинг у ёки бу соҳасини, ёхуд ижтимоий тармоқларда бизнес соҳасини бошқаришни ўрганувчи фанлар ёки тадқиқотлар. Биринчи гуруҳга, энг аввало, “Иқтисодий назария” фани киради. У ўз номи билан бошқа фанлардан ажралиб туради ва умумиқтисодиётга назарий жиҳатдан ёндашади, унга хос қонун ва қоидаларни ўрганади.

“Иқтисодий назария” инсонларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар билан ўзаро алоқада ўрганувчи фандир. Бу фан кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни бошқариш қонунларини, шунингдек, улардан амалий фаолиятда фойдаланиш йўллари ўрганади [1:1].

Лекин “Иқтисодий назария” халқ хўжалигининг айрим тармоқлари ва тармоқлараро комплексларида иқтисодий қонунларнинг намоён бўлиш, рўй бериш шакллари ва хусусиятларини ўрганмайди. Бу билан аниқ иқтисодий фанлар шуғулланади.

Ана шундай фанлардан бари, “Ижтимоий тармоқларда бизнесни самарали бошқариш” фани ҳисобланади. Бу фан жамиятнинг иқтисодий қонунлари ва зарурий қоидалари ижтимоий тармоқларда бизнесни самарали бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, рўй бериши, тузилмавий ўзгаришларнинг “фалсафасини”, ижтимоий бошқаришнинг илмий асосларини, режалаштириш ва башоратлашнинг

методологияси ва методикасини, фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари, ижтимоий тармоқларда бизнес юритишнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари ҳамда улардан фойдаланишни яхшилаш шарт-шароитлари ҳамда ижтимоий тармоқларнинг бошқа қатор муаммоларини ўрганади.

Тадқиқот методологияси

Ижтимоий тармоқларнинг иқтисодий тавсифи ва уларда бизнес юритишнинг ўзига хос хусусиятлари мавзуси доирасидаги изланишларда кузатиш, қиёслаш, анализ ва синтез, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, манбаларни шарҳлаш, тизимли ёндашув каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ижтимоий тармоқларда бизнес юритишнинг ўзига хос хусусиятлари бир қатор иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғланган. Улар жумласига “Иқтисодий назария”, “Статистика”, “Иқтисодиёт статистикаси”, “Эканомика”, “Макроиқтисодиёт”, “Меҳнат иқтисодиёти”, “Менежмент”, “Маркетинг”, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, “Молия ва кредит”, “Иқтисодий хавфсизлик”, “Инновация стратегияси”, “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” ва бошқа фанлар кирази.

“Макроиқтисодиёт” фани иқтисодиётни бир бутун сифатида қарайди ва умумий талаб ва таклифнинг, миллий даромад ва ялпи миллий маҳсулотнинг шаклланиш жараёнларини тадқиқ этади, бюджет сиёсатининг иқтисодий ўсишига, инфляция ва ишсизлик даражасига таъсирини таҳлил қилади. Ёхуд, бу фан макроиқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш муаммоларини ўрганади ва ўргатади.

“Макроиқтисодиёт” фани ишлаб чиқариш тармоғи ва корхона, тавар ва молия бозорлари, банклар, турли фирмалар, уй хўжалиги каби алоҳида субъектлар ва тузилмаларнинг феъл-атворини тадқиқ этади. У алоҳида товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва уларга баҳо қандай белгиланишини, солиқлар ва бошқа тўловларнинг аҳоли жамғармаларига қандай таъсир этишини тадқиқ қилади.

Таҳлил ва натижалар

Ижтимоий тармоқларда бизнесни самарали бошқариш масалалари “Менежмент” фани билан ҳам бевосита боғлиқ. Чунки ижтимоий тармоқларда бизнесни самарали бошқаришнинг муҳим муаммолари менежмент назарияси ва амалиёти асосида ўз ечимини топиши мумкин. “Менежмент” фани бошқарувчига танловни тўғри амалга ошириш ва ишчан қарорлар қабул қилишни ўргатувчи фандир. Унинг асосий мақсади бозор муносабатлари шароитида бирча бўғинларда ишлаш оладиган юқори малакали бошқарувчиларни тайёрлашдан иборат.

Бу фаннинг муҳим муаммоларини ўрганишда халқ хўжалигида техника ва технология тараққиётининг йўллари белгилаб берадиган фанларнинг хулосаларидан ҳам кенг фойдаланиш ғоят зарурдир. Билимнинг турли саҳалари туташган қатор фанлар тадқиқот ёки билиш, англаш йўлини шакллантириш жараёнида ижтимоий тармоқларда бизнесни самарали бошқариш масалаларининг тажрибасига суянади ва тарихий нуқтаи назардан ёндашади.

Илм-фан методологияси ва усуллари дейилганда, уни билиш ва ўрганиш фаолиятининг шакллари ва усуллари мажмуаси тушунилади. Муайян фан бўйича масалани ўртага ташлаш, тадқиқот мавзуси ва илмий назарияни шакллантириш, шунингдек, аниқланган натижанинг ҳақиқийлиги, яъни ўрганилаётган объектга мувофиқлиги жиҳатидан текшириш методологияни қўллашнинг энг муҳим томони ҳисобланади. Демак, методология тадқиқот ёки билиш, англаш йўли, воқеликни амалий ва назарий ўзлаштириш усуллари мажмуасидир.

Ижтимоий тармоқларнинг иқтисодий тавсифи ва уларда бизнес юриштишнинг ўзига хос хусусиятлари назарий, методологик асосини ижтимоий тармоқларда таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, маданият ва спорт, ижтимоий ёрдам, пенсия таъминоти каби соҳаларнинг ривожланиш муаммолари бўйича ҳозирги назария, ўзбек эли ва хорижий мамлакатлар иқтисодчиларининг илмий асарлари, Ўзбекистон Республикасининг қонун-қоидалари, мамлакат Президентнинг асарлари ва фармонлари ташкил этади. Диалектика усули муаммолар ўрганилаётган омилла, шарт-шароитларнинг намоён бўлиши ва юз бериши зиддиятларга, қарама-қаршилиқларга бой эканлигини инобатга олишни тақозо этади.

Ижтимоий тармоқларнинг иқтисодий таснифи ва уларда бизнес юриштишнинг ўзига хос муаммоларини ўрганишда унга тарихий ёндашиш лозим. Муаммоларни ўрганишда бир қатор аниқ усуллардан фойдаланилди. Булар жумласига мушоҳада, абстракт тафаккур, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик усул, статистик усуллар (сифат ва миқдор, индекс, гуруҳлаш, баланслик ва у билан боғлиқ бўлган норматив усул, эҳтимоллар), иқтисодий-математик моделлаштириш, оптималлаштириш, мувозанатни аниқлаш ва бошқа тажрибавий усуллари киради.

Ижтимоий тараққиёт назариясида акс этирилаётган ислоҳотлар жараёнларнинг ички табиати умумий қонунлар билан эмас, аксинча биринчи навбатда, жузъий қонунлар ёрдамида ва иштирокида очиб берилади. Чунки умумий қонунлар, ислоҳотлар жараёнларининг фақат умумий ривожланиш йўналишини белгилаб бериш хусусиятига эга. Жузъий қонунлар эса, ислоҳотлар жараёнларнинг ички манбалари, зиддиятлари ва ҳаракатга келтирувчи омилларини ҳам очиб беради [2:2].

Асосий мақсад Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсишига эришиш, миллий бойликни адолатли тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш, пенсия таъминотини такомиллаштириш бош вазифалардандир. Бугунги кунда давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. “Биз бундан буён фаолиятимизни “инсон-жамият-давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этамиз” [3:3], деган эди давлатимиз раҳбари.

Янги Ўзбекистон бу - глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодиётга эга бўлагн давлатдир.

Янги Ўзбекистон бу - инсон ва бизнес манфаатлари адолатли қонунлар асосида ҳимоя қилинадиган жамиятдир.

Янги Ўзбекистон бу - мамлакат ичкарасида ёки хорижда бўладими, ватандошларимизни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қила оладиган, чегаралари ишончли қўриқланадиган, хавфсизлик ва барқарор давлатдир.

Президент Сайловолди дастурида Янги Ўзбекистонни қуриш шартлари ҳам аниқлаб берилди. Яъни “Бизнинг учун иқтисодиёт ҳам, бошқарув ҳам, таълим ва тиббиёт ҳам янгича бўлиши, барча соҳаларда ўсиш, ривожланиш бўлиши керак”, дейилди.

Дастур контекстида Президентимиз 2021 йил 19 январда айтган “Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси - бозор тамойиллари асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси - аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, деган фикрлари устувор касб этиб турибди. Бу фикр сайланган Президентимиз нутқида яна бир марта, алоҳида таърифланади.

Президентимиз халқимизга Янги Ўзбекистонни барпо қилишнинг мақсадини ҳам, дастурини ҳам яратиб берди.

Бугунги кунга келиб республикамизда ижтимоий-иқтисодий тармоқларида “Тадбиркорлик”, “Тадбиркор”, “Бизнес”, “Бизнесмен” каби терминлар кенг қўлланила бошланди. Уларнинг мазмун ва моҳиятини англаш маълум бир маънода бизнес юритиш ҳақида тасаввурни шакллантиради. Ўзбекистоннинг жаҳонни, жаҳоннинг эса Ўзбекистонни кашф этиши, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлишни тақозо этади.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислохатларнинг энг чўққисида доим ёшлар масаласи биринчи даражали вазифа қилиб қўйилган. Бунинг исботини янги таҳрирдаги Конституциянинг 79-моддасида “Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади” [4:4], деб белгилаб қўйилганида ҳам қўриш мумкин. Янгиланган Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3,5 баробардан зиёд ошди. Хусусан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади экани, Ўзбекистон тарихида биринчи марта халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқнинг умумъэтироф этилган принцип билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

Конфу ҳикматида шундай дейилади: моддийнинг ортида эзгуликнинг урмоғи учун беш нарса кифоя: кўнги кенглиги, самимият, шиддат, яхшилик ва жиддийлик. Янги Ўзбекистонда мана шу беш эҳтиёжнинг ҳаётий қиёфаси маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий асосларда шаклланиб бормоқда. Боиси, янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда 1-моддасида “Ўзбекистон бошқарувининг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” экани аниқ-тиниқ белгилаб қўйилди.

Янги қонун (“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги) лойиҳасида оилавий бизнес, унинг фаолият соҳаларини аниқ белгилаш, оилавий корхонани рўйхатга

олиш ва уни тугатиш ҳамда оилавий корхонанинг инфратузилмага боғланишининг соддалаштирилган механизмлари, оилавий корхонада бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиблари каби йўналишларни ўзида ифода этган ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадга мувофиқ. Айни чоғда мазкур қонунда оилавий корхонада кимлар фаолият юритади, уларга қандай ижтимоий имтиёзлар берилади, деган саволлар ҳам аниқ жавобини топиши лозим. Умуман олганда, буларнинг барчаси хўжалик юритишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли - оилавий бизнеснинг ёрқин истиқболга, демакки, фуқаролар турмуш тарзини янада кўтаришга хизмат қилади [5:5].

Бу қадимий ва табаррук замондан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари манашу тупроқда яратилган, сайқал топган.

Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккирлари, бутун дунёга танилган Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Низомулмулк каби алломалар жамият ижтимоий тармоқларида бизнес юритишнинг баъзи бир назар хусусиятлари ҳақида ўз қарашларини ёзиб қолдиришган.

Хусусан, илк уйғониш етук намоёндаси сифатида қомусий олим Абу Наср Форобий (873-950) иқтисодий қарашлари катта аҳамиятга эга. У ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида мамлакатни бошқариш, ҳокимлар фаолияти, иқтисодиётни олиб бориш, бугуннинг таъбирига кўра, меноҷмент билан боғлиқ муҳим ғоялар келтирилган. Аллома жамиятда, хусусан, иқтисодиётда “инсон омили” ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини таъкидлайди. Форобий “инсон омили” ғоясига асосланиб, раҳбар учун зарур бўлган 12 фазилатни таърифлаб беради [6:6]. шуниси диққатга лоиқки, бу фазилатлар ҳозирда ҳам раҳбарга қўйиладиган асосий талаблар бўлиб қолмоқда. Форобий раҳбардаги хуш ахлоқлик, билимдонлик, адолатпарварлик, бойликка ружу қўймаслик каби фазилатлар бугун ҳам ниҳоятда долзарб. “Раҳбар шунингдек, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саводли, журъатли, жасур бўлиши, ҳадиксирамаслиги зарур”, деб ёзади.

Форобий жамият иқтисодий шаклланиши учун моддий эҳтиёжларнинг аҳамияти тўғрисидаги таълимотни яратди, иқтисодиёт фанида муҳим бўлган тушунча - “эҳтиёж”ни таърифлаб берди. Алломанинг фикрича, ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, киши бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Шунинг учун инсонлар кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсонлар жамоаси вужудга келди [7:7].

Мамлакатда яратилган бойликни хизматига қараб тақсимлаш адолат мезони сифатида муҳимдир. Иқтисодий тараққиётда меҳнат, меҳнат тақсимоти, ихтисослашиш аҳамияти аниқ талқин этилган. Ватандошимиз Форобийнинг ижтимоий-иқтисодий қарашлари ҳозирги даврда ҳам муҳим аҳамият молик бўлиб уларда илм-фаннинг долзарб муаммолари ёритилган. Айниқса, идеал давлат ва унинг раҳбарлари фазилатлари ҳақидаги ғоялар бугунги кунда ҳам долзарбдир. Фозил шаҳар ривожини учун меҳнат, меҳнат тақсимоти зарурияти яхши баён этилган.

Бойликни яратиш ва тўғри тақсимлашаг алоҳида эътибор берилиб шу йўл билан адолатни амалга ошириш имкони туғилади. Фозил давлатнинг шакли ва уни бошқариш, ходимлар масалаларига тўғри урғу берилган. Зотан, Форобийнинг гоёлари халқимиз ва бутун жаҳон аҳли учун ўрнатилган бўларли ижод намунаси.

Шу ўринда Амир Темурнинг сўзларини эслаш ўринли “Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўллари мўлжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим”, яна бир жойда “тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради” [8:8].

Ғарб мутафаккирлари ҳам ижтимоий тармоқларнинг иқтисодий таснифи ва уларда бизнес юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ёзиб қолдирганлар. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти германиялик (аввал иқтисодиёт вазири, кейин федерал концлери бўлган). Людвиг Эрхарднинг фикрича, ушбу моделнинг инсон, унинг манфаатларига хизмат қилиши ташкил этади. Унинг таърифи бўйича, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сиёсатини олиб борадиган давлат “бозор эркинлиги тамойилини ижтимоий мутаносиблик ҳамда умумий иш учун ҳар бир шахснинг маънавий масъулияти билан бирлаштиради” [9:9].

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат дейиш мумкин:

* аҳолининг иш билан тўла бандлигини таъминлаш;

* ижтимоий хавфсизлик, ижтимоий адолат ва ижтимоий тараққиёт (бунга миллий даромадни ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий тўловлар ва пенсиялар тайинлаш, субсидиялар бериш, прогрессив даромад солиғини жорий этиш ва ҳоказолар ёрдамида қайта тақсимлаш, ижтимоий таъминот, суғурталар, меҳнат ва ижтимоий қонунчилик орқали таъминлаш);

* ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгаллик ва нарх-навонинг эркин шаклланиши;

* соғлом рақобат учун шарт-шароит яратиш ва рақобатни таъминлаш;

* иқтисодий ўсиш конъюктурасини мустаҳкамлаш сиёсати;

* барқарор валюта сиёсати;

* эркин ташқи савдо, эркин валюта айрбошлаш жараёнлари билан боғлиқ.

Хулоса

Иқтисодда ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари деганда, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдори, ҳажми ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлган ресурслар тушунилади. Бу унсурларга ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини (тадбиркорлик қобилияти) киради. Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари икки таркибий қисмига - моддий ресурслар (ҳомашё, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар) ва меҳнат ресурсларига (муайян меҳнатни бажаришга қодир, билимли, малака ва тажрибаси бор бўлган ходим) ажратилади.

Иқтисодий назария асосчилари ишлаб чиқаришнинг асосий омилларида меҳнат ресурслари, яъни инсон, унинг салоҳияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб келганлар. Жумладан, В.Петти одамларнинг меҳнати малакаси ва соғлиғи у ёки бу турдаги даромад келтиришини кўрсатган [10:10]. Иқтисодиёт кўплаб буюк мутафаккирларни етиштирди. Улардан Адам Смит ва Милтон Фридманга ўхшаганлар жамоатчилик эътиборига тушган бўлса, Бри Беккр ва Жорж Акерлоф каби олимлар ўз академик доирасидан ташқарига танилмади [11:11]. А.Смит иқтисодий назарияга “иқтисодий инсон” тушунчасини келтирган. У, инсон бутун жамиятнинг асосини ташкил этади, деб ҳисоблаган ва инсонни меҳнат фаолиятига жалб этадиган сабаб (мотив)ларни ва унинг шахсий манфаатини тадқиқ этган. Унинг фикрича, ҳар бир инсон бозор муносабатларини шахсий манфаатлари асосига қуради. Бу шахсий манфаатларнинг йиғиндиси эса жамият манфаатларини ҳосил қилади. Пировард натижада бу ҳам алоҳида инсон, ҳам бутун жамият бойлиги, фаровонлиги ва ривожланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ортиқов А. Саноат Иқтисодиёт (дарслик). -Т.: “Иқтисодиёт”, 2014.-11-13 б.
2. Хайдаров Х. Ислоҳотлар қонуниятлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010.-97 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Инсон қадрлари, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун. -Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022.-394 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Юридик адабиётлар публиц, 2023.-41 б.
5. Отамуродов С. Оилавий бизнесни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш Концепцияси: демократик ислоҳотлар ва жамият тараққиёт. -Т.: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, 2011.-211-212 б.
6. Форобий А.Н. Фозил одамлар шахри. -Т.: янги аср авлоди, 2016.-244-245 б.
7. Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. -Т.: “Ўзбекистон” нашриёти матбаа ижодий уйи, 2011.
8. Темур тузуклари. -Т.: Ўзбекистон, 2011.-14-184 б.
9. Эрхард Л. Благосостояние для всех. М.: Дело, 2001 с.250.
10. Петти В. Экономические и статистические работа работа. В. Том. 1-М.: Соценгиз 1940.-с 156.
11. Чарльд Уилан Яланғоч иқтисодиёт: мураккаб соҳанинг содда қиёфаси. -Т.: Ниҳол, 2022.-16 б.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

